

RHEUM TATARICUM L. ЎСИМЛИГИ ХОМ АШЁСИНИ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

¹Пазилбекова З. Т., ²Жоллыбеков Б.Б., ²Ақсеитов Ж.Ж.

1Тошкент фармацевтика институти.Ташкент. zamira.tanirbergenovna@mail.ru

2Қорақалпоғистон қишлоы хўжалиги ва агротехнологиялар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10684220>

Аннотация Қорақалпоғистон шароитида ўсадиган *Rheum tataricum* L. ўсимлигининг хом ашёси бўлган илдизлари таркибидаги микро ва макро элементлар миқдорини аниқлаш, таркибини ўрганиш ҳамда *Rheum tataricum* L. ўсимлиги хом ашёси асосида этил спиртини хар хил концентрациясида, хар хил нисбатларда асосида янги тиндирма-биологик фаол қўшимча (БФҚ) таркибини танлаш каби масалаларни илмий асослаш.

Калит сўзи. доривор ўсимлик, *Rheum tataricum* L, хом ашё, танин,микро ва макроэлементлар,биологик фаол қўшимча,тиндирма

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.2022 йилда, “2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”даги ПФ-55-сон фармонида аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш мақсадида республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболли маҳаллийлаштириладиган доривор ўсимликлар ва уларнинг маҳсулотлари ҳамда улардан олинадиган янги дори шакллларини технологиясини ишлаб чиқиш долзарб масала хисобланади[1].

Қорақалпоғистон шароитида ўсадиган *Rheum tataricum* L чўлда ўсадиган кўп йиллик эфемер ўт ўсимлик. *Rheum tataricum* L.- эндемик тури Орол денгизи, Жанубий Балхаш ва Ғарбий Қозоғистонда кенг тарқалган. Қорақалпоғистон Республикаси Устюртда деярли барча ҳудудида учрайди. Хом ашёнинг асосий манбаи ўсимликнинг кучли вертикал илдизларидан иборат ер остки қисмларидир. Илдиз ва меваларида терини қайта ишлаш учун ишлатиладиган қимматбаҳо танинлар ва ранг берувчи моддалар мавжуд. Ўсимликнинг илдизлари Қозоғистон Республикаси Давлат дори фондининг рўйхатига киритилган. Шунингдек, анъанавий тиббиётда ошқозон касалликларини даволаш воситаси сифатида ишлатилади[3,4].

Тадқиқот мақсади. Қорақалпоғистон шароитида ўсадиган *Rheum tataricum* L ўсимлиги хом ашёси таркибидаги макро ва микро элементларни аниқлаш, дориворлик хусусиятларини ўрганиш, *Rheum tataricum* L ер остки қисмларидан яллиғланишга қарши спиртли ажратма- (БФҚ) таркибини танлаш, тадқиқотнинг мақсади қилиб белгиланди.

Тадқиқот усуллари. *Rheum tataricum* L ўсимлиги хом ашёси таркибидаги макро ва микро элементларни аниқлаш учун илдизлари майдаланиб кукун ҳолга келтирилди ва таркибидаги макро ва микроэлементлар миқдори спектофотометрик усулда ўрганилди.

Rheum tataricum L. ўсимлиги хом ашёси асосида этил спиртини хар хил

концентрациясида, ҳар хил нисбатларда тиндирма (БФҚ) таркибини танлаш бўйича тажрибалар олиб борилди

Асосий натижалар, *Rheum tataricum L.* илдизлари таркибидаги микро ва макроэлементлар миқдори спектофотометрик усулда аниқлаш натижалари шуни кўрсатадики, илдизлар таркибидаги 43 та микро ва макроэлементлар борлиги аниқланди.

Rheum tataricum L. ўсимлиги илдизлари таркибида ҳаётий муҳим бўлган Ca, Na, K, Mg, Fe элементлари миқдори бошқа микро ва макро элементларга нисбатан кўп эканлиги маълум бўлди. Олинган маълумотлар №1 жадвалда келтирилган.

Rheum tataricum L. ўсимлиги ҳам ашёси асосида бир неча усулларда - тиндирма(БФҚ) олиш усуллари ишлаб чиқишда изланишлар натижасида қўнғир рангли ўзига хос ҳид ва таъмга эга тиниқ суюқликлар бўлиб уларни сон кўрсаткичлари ўрганилди[2,3]..

Жадвал№1

***Rheum tataricum L.* илдизлари таркибидаги микро ва макроэлементлар миқдори**

№	Элементлар	Номланиши	Микро ва макро элементлар миқдори,мг/кг	№	Элементлар	Номланиши	Микро ва макро элементлар миқдори,мг/кг
1	Li	Литий	0,177	23	As	Мишьяк	0,099
2	Be	Бериллий	0,062	24	Se	Селен	0,018
3	B	Бор	5,354	25	Rb	Рубидий	0,047
4	Na	Натрий	1306,195	26	Sr	Стронций	34,399
5	Mg	Магний	897,823	27	Zr	Цирконий	0,086
6	Al	Алюминий	80,861	28	Nb	Ниобий	0,001
7	Si	Кремний	310,691	29	Mo	Молибден	0,041
8	P	Фосфор	263,804	30	Ag	Кумуш	0,004
9	S	Олтингугурт	736,301	31	Cd	Кадмий	0,006
10	K	Калий	1343,402	32	In	Индий	0,000
11	Ca	Кальций	4254,956	33	Sn	Қалай	0,197
12	Ti	Титан	-13,511	34	Sb	Сурма	0,007
13	V	Валладий	0,377	35	Cs	Цезий	0,001

14	Cr	Хром	0,506	36	Ba	Барий	2,196
15	Mn	Марганец	1,813	37	Ta	Тантал	0,000
16	Fe	Темир	214,858	38	W	Вольфрам	53,477
17	Co	Кобальт	0,031	39	Re	Рений	0.001
18	Ni	Никел	0,339	40	Hg	симоб	13,972
19	Cu	Мис	0,452	41	Tl	Таллий	0,001
20	Zn	Рух	2,322	42	Bi	Висмут	0,001
21	Ga	Галий	0,316	43	U	Уран	0,010
22	Ge	Германий	0,001				

Хулосалар. *Rheum tataricum* L. илдизлари таркибидаги микро ва макроэлементлар миқдорини аниқлаш натижаларидан 43 та бошқа микро ва макро элементлар бўлиб, Ca, Na, K, Mg, Fe элементлари миқдори нисбатан кўп эканлиги маълум бўлди.

Rheum tataricum L. ўсимлиги хом ашёси асосида олинган тиндирма(БФҚ) лар сон кўрсаткичлари қиёсий ўрганилганда, тиндирмалар ташқи кўриниши бўйича кўнғир рангли ўзига хос ҳид ва таъмга эга тиниқ суюқликлар бўлиб, турли усулларда олинган тиндирмаларда қуруқ қолдиқ-5,50 %дан ошмади, оғир металл тузлари 0,001 % дан ошмади ва МТХ талабларига жавоб берди. Ҳозирги кунда турли усулларда олинган тиндирмалар (БФҚ) ни таркибидаги таъсир этувчи моддалар миқдори ўрганилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.01.2022 йилдаги 2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ПФ-55-сон фармони.Тошкент. 2022.
2. Ўзбекистон Давлат фармакопеяси.Тошкент.- 2021.,1-жилд.1-2қисм.
3. Жумашова Г.Т, Саякова Г.М., Гемеджиева Н.Г., Бекежанова Т.С. Изучение технологических и некоторых фармакопейных характеристик лекарственного растительного сырья –корневичей ревеня татарского.Алма ата. 2016.Вестник КазНМУ. С 531-535
4. Pazilbekova Z.T., Zhollibekov B , Akseitov J Determination of Bioecological Properties and Seed Germination of Rhubarb (Tartarian Rhubarb) Growing in Karakalpakstan. to Springer Nature Switzerland AG 2023 Beskopylny et al. (Eds.): INTERAGROMASH , LNNS 575, pp. 1–8, 2023.